

---

## Фарғона вилояти ҳокими ўринбосарининг сайёр қабули

Фарғона вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 25 январдаги 24-01-50-1-сонли “Фарғона вилояти ҳокими ва унинг ўринбосарлари томонидан 2019 йилнинг 1-ярим йиллигида шаҳар, туманларда жисмоний ва юридик шахслар билан ўтказилиши белгиланган сайёр қабуллар жадвали”га асосан ҳудудларда ахоли билан тӯғридан-тӯғри мулоқотни янада кенгайтириш, муаммоларни аниқлаш ва уларни жойида бартараф этиш мақсадида жойларга чиқсан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган.

Шунга мувофиқ, тасдиқланган жадвалга асосан 2019 йил 14 март куни вилоят ҳокими ўринбосари Ф.С.Қосимов томонидан Қўқон шаҳрида жисмоний ва юридик шахслар вакиллари билан сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда жами 16 нафар жисмоний ва юридик шахслар иштирок этдилар

Қабул давомида келиб тушган мурожаатларни ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича муаллифга маълум қилиш учун корхона, ташкилот ва бўлимларга тегишли топшириқлар берилди.

2019-03-14 20:59:30